БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ЗАФАР ИХТИЁРОВИЧ

ЎЗГАРУВЧАН ҚАЛИНЛИКДАГИ ПЛАСТИНКАСИМОН ВА ЦИЛИНДРИК ҚОВУШҚОҚ - ЭЛАСТИК ҚОБИҚЛАРДА ТЎЛҚИН ТАРҚАЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро–2021

УДК: 539.3

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ЗАФАР ИХТИЁРОВИЧ

ЎЗГАРУВЧАН ҚАЛИНЛИКДАГИ ПЛАСТИНКАСИМОН ВА ЦИЛИНДРИК ҚОВУШҚОҚ - ЭЛАСТИК ҚОБИҚЛАРДА ТЎЛҚИН ТАРҚАЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро–2021

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DS/FM119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (bmti_info@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Сафаров Исмоил Иброхимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мардонов Ботир Мардонович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Мавланов Тўлқин Мавлонович техника фанлари доктори, профессор
	Кудайкулов Анарбай Кудайкулович физика-математика фанлари доктори, профессор, ҚР МФА академиги
Етакчи ташкилот:	**Наманган муҳандислик-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ноябр соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 343 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (200100, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» ноябр куни тарқатилди.
(2021 йил «30» октябрдаги №1 рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Тешаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д. (DSc)

Н.Н. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.З. Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.

Жаҳонда техника, иншоотлар қурилиши, нефт ва фойдали қазилмалар қидирувида мустаҳкам, рақобатбардош, янги авлод мукаммал машина ва қурилмаларни яратиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишига эришиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан янги авлод конструкцияларини кашф қилишда замонавий машина ва аппаратларнинг кўпгина қисмларида динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўладиган резонанс ҳодисасининг олдини олиш, ҳосил бўладиган кучланишлар ва деформацияларни рухсат этилган чегарадан ошмаслигини таъминлаш учун уларда тўлқин тарқалиши жараёнини билиш, конструктив ечимларни оптималлаштириш алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу борада, кўпгина хорижий давлатларда, жумладан, Россия, АҚШ, Германия, Хитой ва бошқа саноати ривожланган мамлакатларда конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигининг ўсиб боришига эришиш учун уларда тўлқин тарқалишидаги энергияни мақсадли бошқариш муаммосининг такомиллаштирилган математик моделларини, самарали ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда самолётсозлик, кемасозлик, темирйўл қурилишида ўзгарувчан қалинликдаги пластинкасимон ва цилиндрик жисмларда диссипативлик хусусиятига эга бўлган мураккаб кўндаланг кесимли элементлардан ташкил топган конструкцияларнинг динамик ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада, жумладан, геофизикада нефт ва бошқа захираларни топиш мақсадида қувурда тарқалувчи тўлқиннинг динамикасига қараб ичидаги маҳсулотнинг тури, реологияси ҳақидаги маълумотларни аниқлашнинг самарали усулларини аниқлаш ҳамда ўзгарувчан қалинликдаги пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ-эластик қобиқларда тўлқин тарқалиши хусусиятларини ўрганиш назариясини ривожлантириш, илмий асосини такомиллаштириш, ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш учун мазкур йўналишларда мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда машинасозликда қўлланиладиган материалларнинг мустаҳкамлигини ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш..., ...тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш...» вазифалари белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, қўлланиладиган материалларнинг реологик хусусиятини ҳисобга олиб динамик масалалар ечиш назариясини ривожлантириш, илмий асосини такомиллаштириш, умумий методикаси ва алгоритмини ишлаб чиқишни кенг жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»[1] Қарори, «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4708-сонли 2020 йил 7 майдаги Президент Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ўзгарувчан қалинликдаги пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ - эластик қобиқларда тўлқин тарқалиши хусусиятларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Оксфорд университети (Англия), Эванстон шимолий-шарқ университети, Корнеля университети, Огайо университети (АҚШ), Р. Ганди номидаги техника университети, Канпур технологик университети (Ҳиндистон), Техрон университети (Эрон), Саратов давлат университети, Томск политехника университети, Санкт-Петербург техника университети, Москва электрон машиналар институти, Пермь давлат университети, Москва давлат университети, Фанлар академиясининг Новосибирск бўлими (Россия), Механика институти (Арманистон), Гидромеханика институти, Механика институти УМФА (Украина), Белорус давлат университети (Белоруссия), Озарбайжон миллий фанлар академиясининг (Озарбайжон), А. Яссавий номидаги Қозоқ-Турк халқаро университети (Қозоғистон), Рио де-Жанейро католик университети (Бразилия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон миллий университети ва Бухоро муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда. Уларнинг ишларида, асосан, текис ва пластинкасимон эластик жисмларда тўлқин тарқалиши ўрганилган. Суюқликли цилиндрик қобиқда тўлқин тарқалиш масаласи кўрилганда идеал суюқлик олинган. Кейинги вақтда цилиндрик қобиқ ўрнига, маълум қалинликка эга бўлган суюқликли цилиндрда тўлқин тарқалишини ўрганишга ҳаракат қилинмокда. Қовушқоқ суюқликли ҳоллар учун ечим махсус функцияларда олиниб, функция аргументининг энг катта ва энг кичик қийматлари учун сонли натижалар олинган. Кўп қатламли бўлакли бир

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4794-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» 30.07.2020 й.

жинсли механик системаларда тўлқин тарқалиши диссипативлик хусусиятини эътиборга олмасдан ўрганилган, кўндаланг кесими цилиндрик бўлмаган (ўзгарувчан қалинликдаги пластинка ва панелларда) жисмларда гармоник тўлқинларни тарқалиши масалаларини ечишга эътибор қаратишган. Бундай масалаларни дифференциал қўйилишда баъзи сонли натижалар ҳам олинган. Бундай тадқиқотлар билан, асосан, назарий ва экспериментал АҚШ (Нью-Йорк университети, Бронкс, Нью-Йорк штати, Калифорния технология институти, Пасадена, Калифорния штати), Россия (Жанубий–Урал давлат университети, Челябинск, Москва электрон машиналар институти, Москва давлат университети физика факултети, Москва авиация институти). Украина (С.П. Тимошенко номидаги механика институти УМФА, Киев), Хитой (Гербин технология университети), Болгария (Механика ва биомеханика институти, Болгария ФА) бажарилмокда.

Лекин кўндаланг кесими ўзгарувчи бўлган тўлқин ўтказгичларда тўлқин тарқалишини материалнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда турли хил ёриқлари мавжудлигини этиборга олиб ўрганишда ҳозирга қадар ўз ечимини топмаган бир қанча муаммолар мавжуд. Диссипатив бир жинсли бўлмаган узун жисмларда тўлқин тарқалишини ўрганиш методикаси ва алгоритмини яратиш, ҳамда янги масалалар ечиш муаммоси ҳам тўлиқ ҳал этилмаган. Бундай муаммолар қаторига тўлқин ўтказгичлар қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ифодаловчи релаксация ядроси ва унинг параметрларини танлаш, ҳамда дисперсион муносабатларни таҳлил қилиш асосида турли хил мавжуд назарияларни (тақрибий ва аниқ) таққослаш ва қўллаш чегарасини кўрсатиб ўтиш; тўлқин сўнишини ифодаловчи катталикни киритиш ва асослаш, қўйилган масалаларни ечадиган ягона методика ва алгоритм яратиш, фаза тезликларининг турли модаларига геометрик параметрлар таъсирини ўрганиш кабилар киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда узун пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ-эластик жисмларда тўлқин тарқалиши масалалари илмий нуқтаи–назардан қуйидаги таниқли чет эл олимлари[2] томонидан ўрганилган: Ильюшин А.А., Бреховских Л.В., Викторов И.А., Горшков А.Г., Вольмир А.С., Генкин М.Д., Шемякин Е.И., Гузь А.Н., Гринченко В.Т.,

---

[2] Ewing W. M., Jardetzku W. S., Press F .Elastic Waves in Layered Media, McGraw – Hill, New York, 1962. Achenbach J.D., Keshava S.P., Herrmann G. Moving land plate resting on an clastic half spacc. – Trans. ASME. Ser. E, J. Appl. Mech, 1967, V.34.#4, p.910-914. Selmane A., Lakis A.A. Vibration analysis of anisotropic open cylindrical shells subjected to a flowing fluid // J. Fluids Struct. 1997. Vol. 11. P. 111–134. Болотин В. В., Новиков Ю. Н. Механика многослойных конструкций. — М.: Машиностроение, 1980. — 375с. Гринченко В. Т., Мелешко В. В. Гармонические колебания и волны в упругих телах.– К.: Наук. думка, 1981.– 283 с. Купрадзе В.Д., Гечегия Т.Г.. Башелейшвили М.О и др. Трехмерные задачи математической теории упругости и термоупругости. –М.: наука, 1976. -664с. Ильгамов М.А. Колебания упругих оболочек, содержащих жидкость и газ. М.: Наука, 1969.-184с. Мартинчек Г. Динамическая вязкоупругость в техническом применении/ Успехи механики , том 6, вып. 3/4, 1-28с. Sorokin S.V. Fluid-Structure Interaction and Structural Acoustics. Book of Lecture Notes. – Technical University of Denmark, 1997. – 188 р.Микер Т., Мейтцлер А. Волноводное распространение в протяженных цилиндрах и пластинках. – Физ. Акустика. Принципы и методы. Пер. с англ., 1966, 1 А, с. 140-203.

Комиссарова Г.Л., Нигул У.К., Гоголадзе В.Г, Трояновский И.Е., Кийко И.А.,Молотков Л.А., Новичков Ю.И., Петрашень Г.И., Крауклис П.В., Слепян Л.И., Антонов А.Н., Матвеенко В.П., Шардаков И.Н., Старовойтов Э.И., Анофрикова Н.С., МикерТ., Мейтцлер А., Дейвис Р.М.,Митра Р., Кольский Г., Уайт, Ахенбах Ж.Д., Шафер Б.В.,Сан Р.И. ва бошқалар.

Шу билан бирга, бу муаммони ечишда республикамиз олимлари[3] Рахматулин Х.А., Уразбоев М.Т., Ширинқулов Т.Ш., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Мубораков Я.Н., Мардонов Б.М., Султонов К.С., Маматқулов Ш.М., Мирсаидов М.М., Бадалов Ф.Б., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Мавлонов Т.М., Абдусаторов А., Сафаров И.И., Хусанов Б.Э., Тешаев М.Х., Бозоров М.Б., Эшматов Х., Юлдашев Ш.С., Абдуқодиров С.А., Усаров М.К. ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшиб, кўндаланг кесими ўзгармас (ёки баъзи бир хусусий ҳолларда ўзгарувчан) бўлган ҳолларда материалнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олиб пластинкасимон ва цилиндрик жисмларни динамик хусусиятларни характерловчи параметрларни ҳисоблаш усулларини ривожлантиришган. Юқоридагиларга қарамай ҳозирги вақтда ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечими диссипатив бир жинсли бўлмаган тўлқин ўтказгичларда гармоник тўлқинларнинг қовушқоқлик хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиш деформацияланувчан қаттиқ жисмлар динамикасини назарий жиҳатдан қанчалик кўп бойитса, унинг энергия диссипацияси билан боғлиқ бўлган янги натижалар муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалаларни ечишга имкон яратади. Бу тизимли муаммо қўшимча илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-14 рақамли «Суюқлик оқувчи ер ости эгри чизиқли қувурнинг ташқи кучлари таъсиридаги кучланиш-деформация ҳолатини тадқиқ қилиш назариясини ривожлантириш ва ҳисоблаш

---

[3] Уразбаев М.Т. Сейсмостойкость упругих и гидроупругих систем. -Ташкент: Фан. 1968-254с. Султанов К.С. Распространение продольных волн в вязкоупругом полупространстве, включающем поглощающий слой //ПМТФ, №5.-1984.-С.137-142. Рашидов Т.Р. Динамическая теория сложных сыстем подземных сооружений. - Ташкент: Фан.1973. -179с. Safarov I. I., Boltaev Z.I., Akhmedov M. Distribution of the natural waves. LAP LAMBERT Academic Publishing Saarbrucren Dentschland /Germanu/-2015. -110p. Safarov I. I., Akhmedov M.,Rajabov O. Vibrations of plates and shells with attached concentrated mass. LAP LAMBERT Academic Publishing Saarbrucren Dentschland /Germanu/-2015 - 92p. Султонов К.С. Распространение и взаимодействие с преградой волны в грунте с учетом вязких свойств среды/ Автореферат дисс. канд. наук. М.: 1977, -18с. Сафаров И.И. Колебания и волны в диссипативно-неоднородных средах и конструкциях. - Ташкент. Фал, 1992-250с. Сафаров И.И., Тешаев М.Х., Болтаев З.И. Волновые процессы в механическом волноводе. LAP LAMBERT Academic publishing (Германия). –2012. -217 с. Бозоров М.Б., Сафаров И.И., Шокин Ю.И. Численное моделирование колебаний диссипативно однородных и неоднородных механических систем. СО РАН, Новосибирск. –1966. -188с. РахматулинХ.А. О распространении плоских волн в упругой среде при нелинейной зависимости напряжения от деформации. Ученые записки МГУ.вып.152, 111. –1951.

усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2012-2016 йй.) фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диссипативлик хусусиятларига эга тўлқин ўтказгичлардаги динамик жараёнларни ўрганиш масалаларининг ечиш методикаси ва алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда ўзгарувчан қалинликли қовушқоқ–эластик пластинкасимон ва қобиқсимон жисмларда тўлқин тарқалиши назариясини ривожлантириш, илмий асосини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- диссипативлик хусусиятларига эга тўлқин ўтказгичлардаги динамик жараёнларни ўрганиш масалаларини ечиш методикаси ва алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда ўзгарувчан қалинликдаги пластинкасимон ва фазовий радиал-бўйлама ёриқли қовушқоқ-эластик цилиндрик жисмларда тўлқин тарқалиши назариясини ривожлантириш, илмий асосини такомиллаштириш;

-диссипатив бир жинсли бўлмаган қовушқоқ суюқликли цилиндрик қобиқларда хос тўлқинлар тарқалиши масаласининг қўйилиши, ечиш услуллари ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

-Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко С.П. гипотезаларини пона кўринишдаги қовушқоқ-эластик ўзгарувчан қалинликдаги пластинка ва панелда қўллаш оралиқларини аниқлаш;

-қовушқоқ–эластик радиал ёриқли цилиндрда хос тўлқинлар тарқалиш масаласини ечиш орқали, понасимон кўндаланг кесимли пластинкада тўлқин тарқалишига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суюқликли цилиндрик қобиқ, радиал ёриқли цилиндр, ўзгарувчан қатламли пластинка ва цилиндрик панеллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети узун суюқликли цилиндрик қовушқоқ-эластик қобиқ, сектор кўндаланг кесимли цилиндр ва ўзгарувчан қалинликдаги пластинкаларда тарқаладиган тўлқинни механик системанинг диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда динамик назариясини ҳамда ечиш усулларини ривожлантириш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида диссертация ишида хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар мумкин бўлган кўчиш принципидан (вариацион тенглама) фойдаланиб чиқарилган. Бу тенгламаларни ечиш учун “музлатиш” (замораживания), ўзгарувчиларни ажратиш, Мюллер, Гаусс, Лаплас ва Годуновнинг ортогонал прогонка усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ўзгарувчан кўндаланг кесимли узун пластинкасимон ва фазовий бўйлама ёриқли қовушқоқ-эластик цилиндрик жисмларда тўлқин динамикаси жараёнларини ўрганиш муаммосини ечиш методикаси ва алгоритми деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси ва математик физика фанларининг усулларига асосланиб ишлаб чиқилган ҳамда комплекс функциялар назариясига асосан такомиллаштирилган;

- узун пластинкада тўлқин тарқалишида ортогоналлик шартлари бажарилмаслиги сабабли математик физика усулларини қўллашдаги чекловдан қутилиш мақсадида биортогоналлик шарти келтириб чиқарилган ва ўзгарувчан қалинликли пластинкада тўлқин тарқалиши масаласи комплекс соҳада ўзаро қўшма спектрал масалага келтирилган;

- комплекс соҳада ўзгарувчан қалинликли пластинка учун қўйилган спектрал масалани Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко С.П. гипотезалари учун алоҳида-алоҳида ечиш орқали, сонли натижалар асосида комплекс фаза тезлиги кичик тўлқин сони соҳасида 5% га, катта тўлқин сони соҳасида эса 20% га фарқ қилиши топилган;

- ўзгарувчан қалинликли қовушқоқ-эластик пластинканинг қиррасидаги бурчаги 28^0 гача бўлганда Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко С.П. гипотезалари бўйича олинган сонли натижалар ва вариацион усул асосида олинган ечим 10% фарқ билан устма-уст тушишини аниқлаш асосида ўзгарувчан қалинликли пластинка учун кичик тўлқин сони соҳасида Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко С.П. гипотезаларини қўллаш оралиғи аниқланган;

- ўзгарувчан қалинликли пластинканинг вариацион усул асосида олинган спектрал масаласини (Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко С.П. гипотезаларини қаноатлантирувчи) ишлаб чиқилган методика асосида ечганда пластинкада тўлқин тарқалиш тезлигининг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари ўзгармас сонга интилиши ҳамда Пуассон коэффициентига кучсиз (2-3%) боғлиқ бўлиши топилган;

- бўйлама радиал ёриқли қовушқоқ-эластик цилиндр ва пона кўринишидаги кўндаланг кесимли цилиндрсимон жисм учун сонли натижалар асосида унинг ўқи бўйлаб йиғиладиган ҳаракат фаза тезлигининг ҳақиқий қисми мавжуд бўлмаслиги, понанинг учида эса фаза тезлиги Рэлей тўлқини тезлигига яқин бўлган қирра тўлқини ҳосил бўлиши аниқланган;

- ўзгарувчан қалинликдаги цилиндрик панелда тўлқин тарқалишида комплекс фаза тезлигининг эгрилик радиусига боғлиқлик даражаси $K=\frac{\pi}{4}$ ва $K=\frac{\pi}{2}$ ҳоллар учун қиёсий баҳоланган, эгриликнинг ошиши билан энергия диссипациясининг ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқилган усуллар, олинган натижалар САТ(сирт акустик тўлқинлари) қурилмаларини такомиллаштириш ва янги авлодини яратишга хизмат қилиши ҳамда пезокерамик сиртларда тўлқин тарқалишини ўрганишга имкон бериши асосланган;

- кўндаланг кесими пона кўринишда бўлган деформацияланувчи пластинкада ва панелларда тўлқин тарқалишини ўрганишда аниқланган самаралар амалий аҳамиятга эга бўлган янги материалларни ишлаб чиқаришга имкон бериши асосланган;

- юкланиш остида ишловчи диссипатив бир жинсли ёки бир жинсли бўлмаган жисмларда ҳосил бўладиган резонанс жараёнларини олдиндан баҳолаш ҳамда мос материални танлаш усуллари ишлаб чиқилган;

- ўзгарувчан кўндаланг кесимли фундаментларда сейсмик тўлқинлар таъсирида ҳосил бўладиган динамик кучланишлар–деформацияларни оптималаштириш имконини берувчи алгоритм ва усуллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги келтириб чиқарилган математик муносабатларнинг қатъийлиги, асосланган ечиш усулларидан фойдаланиш ва бошқа олимларнинг олган ечимлари билан таққослашлар орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти узун диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ-эластик жисмларда тўлқин тарқалиш назариясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссипатив бир жинсли бўлмаган механик системаларда сўниш тезлиги коэффициентининг геометрик ва физик-механик параметрларга боғлиқ бўлиши муносабатидан ўрганилаётган соҳада энергияни бошқариш имконини беради. Шунингдек, кўндаланг кесими понага ўхшаш пластинка ва цилиндрик панел кўринишидаги конструкцияларда ҳаракатланувчи куч таъсирида ҳосил бўладиган тебранишлар ёки титрашларни камайтиришда ишлаб чиқилган методика ва алгоритмдан фойдаланишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотдаги қовушқоқ-эластик механик системаларда тўлқин тарқалиши назариясини ривожлантириш бўйича, ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва алгоритм бўйича олинган натижалар асосида:

- бино ва иншоотларни лойиҳалашда фундамент жойлашган қаттиқ қатламнинг қалинлик бўйича ўзгарувчан бўладиган конструкцияларда тарқаладиган сейсмик тўлқинларнинг кинематик параметрлари ва коэффициентларини ҳисоблашда Бухоро “Узжамоалойиҳа” МЧЖ корхонасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 27 февраль 2020 йил, 1903/09-07 сонли маьлумотномаси). Илмий тадқиқот натижасини қўллаш асосида кичик частотали тўлқинли соҳада параметрларни танлаш ҳисобидан иншоотларда титрашларнинг резонанс ҳолатини 18% гача камайтириш имконияти яратилган;

- иншоотларни лойиҳалашда фундаментларнинг қалинлик бўйича ўзгарувчан бўлиши унда тўлқин диссипацияси интенсив бўлиши самарасидан “Узжамоалойиҳа” МЧЖ корхонасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 27 февраль 2020 йил, 1903/09-07 сонли маьлумотномаси). Ишлаб чиқилган кучланишлар эпюраси назарий таҳлилидан фойдаланиб, фундаментда максимал кучланишлар пайдо бўладиган кесимларда мустаҳкамликни 1.18 марта ошириш таъминланган.

- Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко гипотезаларни ҳисобга олувчи ишлаб чиқилган методикадан Наманган муҳандислик–қурилиш институтининг Ф – 4-23 рақамли «Эластиклик назариясининг динамик масаласи уч ўлчовли бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг тарқалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 19 март 2020 йил 89-03-1173 сон маълумотномаси) қобиқли конструкцияларнинг кучланиш-деформация ҳолатини ҳисоблашларда фойдаланилиб, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системаси биринчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар системасига келтирилган;

- цилиндрик конструкциялар динамик ҳолатини баҳолаш усулларидан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида 2015-2017 йилларда бажарилган амалий А-14-010 «Разработка эффективных методов исследования малоцикловой прочности и динамики составных оболочечных конструкций типа цистерны при различных видах нагружений» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 19 март 2020 йил 89-03-1173 сон маълумотномаси) системада ҳосил бўладиган энергия диссипациясини ҳисобга олиш натижаларидан фойдаланиб тўлқинни сўндириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та республика ва 12 та халқаро илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 69 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 13 таси хорижий илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзгарувчан қалинликдаги қовушқоқ - эластик пластинка ва қобиқларда тўлқин тарқалиши хусусиятларини ўрганишга бағишланган адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида қовушқоқ-эластик узун пластинкасимон ва цилиндрсимон жисмларда тўлқин тарқалишини ўрганишга бағишланган адабиётларнинг қисқача таҳлили келтирилган. Адабиётлар таҳлили асосида хулосалар қилинган:

- кўп қатламли қовушқоқлик хоссаси турлича бўлган механик системаларда тўлқинларни тарқалишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада қўлланиладиган ирсий қовушқоқ-эластиклик назариясининг Больцман–Вольтер интегралида қайси олим таклиф этган ядродан (Ю.Н.

Работнов таклиф этган каср экспоненциал функция ва Пуассон коэффициенти ҳам оператор кўринишдаги функция, Ржаницын-Колтунов томонидан таклиф этилган уч параметрли кучсиз сингуляр ядро ва Пуассон коэффициенти ўзгармас деб олиниб, ядрога шартлар қўйилади) фойдаланиш керак, деган муаммо очиқ қолмокда;

- кўп қатламли диссипатив бир жинсли ва диссипатив бир жинсли бўлмаган деформацияланувчан тўлқин ўтказгичларда (турли хил геометрик ва физико-механик параметрларини ҳисобга олган ҳолда) тўлқинларни тарқалишини ўрганишда дисспersion тенгламалар олишнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал этилмаган. Комплекс параметрли мураккаб транцендент тенгламаларни тадқиқ қилишга асосланган юқори аниқликдаги сонли ечиш усуллари ва ечимларнинг комплекс текисликка тақсимланиши назарий жиҳатдан ўрганилмаган;

- диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган тўлқин ўтказгичнинг диссипативлик хоссаси диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган механик системалар учун қиёсий ўрганилмаган. Уларни комплекс текисликдаги дисспersion муносабатларини баҳоловчи катталиклар ёки муносабатлар ишлаб чиқилмаган;

- қовушқоқ суюқликли қовушқоқ-эластик қатламли цилиндрик қатламда тўлқинларнинг тарқалиши масаласи тўлиқ қўйилмаган ва барча параметрларни ҳисобга олиб ечилмаган. Қовушқоқ суюқлик ва эластик цилиндр учун олинган дисперсион тенгламани фақат махсус функциялар ёрдамидаги асимптотик ифодалари олинган. Аргументнинг ихтиёрий қиймати учун дисперсион муносабатлар олинмаган. Уларни тадқиқ этиш учун спектрал масала қўйилмаган, ечиш методикаси, алгоритми ва дастури ишлаб чиқилмаган;

- радиал ёриқли қовушқоқ-эластик цилиндрнинг хусусий ҳоли бўлган понасимон кўндаланг кесимли тўлқин ўтказгичларда тўлқин тарқалишида чегаравий масала қўйилмаган, ечиш усуллари ва алгоритми ишлаб чиқилмаган.

«Узун қовушқоқ-эластик узун пластинкасимон ва қобиқсимон жисмларда хос тўлқинлар тарқалиши масалаларининг қўйилиши ва ечиш усуллари» деб номланган иккинчи бобида ўзгарувчан кўндаланг кесимли қовушқоқ-эластик узун пластинкасимон ва цилиндрик диссипатив жисмларда тўлқин тақалиши масалаларининг математик қўйилиши, ечиш услубиёти ва алгоритми, солиштириш натижалари ва уларнинг муҳокамаси келтирилган. Узун пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ–эластик (диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган) жисмларда тўлқин тарқалишида масаланинг қўйилиши икки хил кўриниишда амалга оширилади. Биринчи ҳолда масала дифференциал постановкада қўйилади. У ҳолда узун пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ-эластик жисмларда тўлқин тарқалиши фазовий координаталар системасида берилган бўлсин ва уларда гармоник тўлқинлар тарқалиши натижасида ҳосил бўладиган динамик жараёнлар ва мажбурий гармоник кучлар таъсиридаги динамик-кучланишлар деформация ҳолати ўрганилади.

Қалинлиги $h=\sum_{n=1}^{N}h_n$ бўлган n–қатламли қовушқоқ-эластик жисмда хос тўлқин тарқалиш масаласини кўрамиз. Декарт координаталар системасида (Oxyz) қатлам қуйидаги соҳани эгалласин: $x\in(-\infty,+\infty),\ y\in(-\infty,+\infty),\ z\in[-h,h]$. Фараз қилайлик, бу жисмда фаза тезлиги c ($c=c_R+ic_I$) бўлган хос тўлқин тарқалсин. Кўп қатламли жисмда тўлқин тарқалиши хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасидан фойдаланиб, кўчишлар орқали ифодаланган тенглама (Ламе тенгламаси) орқали ифодаланади:

$$\tilde{\mu}_\kappa\nabla^2\vec{u}+(\tilde{\lambda}_\kappa+\tilde{\mu}_\kappa)graddi\vartheta\vec{u}=\rho_\kappa\frac{\partial^2\vec{u}}{\partial t^2},\ (\kappa=1,2,3..N),\qquad(1)$$

бунда $\vec{u}(u_1,u_2,u_3)$ -муҳитнинг кўчиш вектори, ρ_κ –зичлик (κ-қатлам)

$$\tilde{\lambda}_\kappa f(t)=\lambda_{0\kappa}\left[f(t)-\int_0^t R_{\lambda\kappa}(t-\tau)f(\tau)d\tau\right],\tilde{\mu}_\kappa f(t)=\mu_{0\kappa}\left[f(t)-\int_0^t R_{\mu\kappa}(t-\tau)f(\tau)d\tau\right],$$

(2)

$f(t)$–вақтнинг ихтиёрий функцияси; $R_{\lambda\kappa}(t-\tau)$ва $R_{\mu\kappa}(t-\tau)$ – релаксация ядролари, $\lambda_{0\kappa},\ \mu_{0\kappa}$ – оний эластиклик модуллари. Кейинчалик (2) муносабатни қуйидаги кўринишга алмаштириб оламиз:

$$\bar{\lambda}_\kappa f(t)=\lambda_{0\kappa}\left[1-\Gamma^C_{\lambda\kappa}(\omega_R)-i\Gamma^S_{\lambda\kappa}(\omega_R)\right]f(t),$$
$$\bar{\mu}_\kappa f(t)=\mu_{0\kappa}\left[1-\Gamma^C_{\mu\kappa}(\omega_R)-i\Gamma^S_{\mu\kappa}(\omega_R)\right]f(t),\qquad(3)$$
$$\Gamma^c_{\lambda k}(\omega_R)=\int_0^\infty R_{\lambda\kappa}(\tau)\cos\omega_R\tau\,d\tau,\Gamma^c_{\mu k}(\omega_R)=\int_0^\infty R_{\mu\kappa}(\tau)\cos\omega_R\tau\,d\tau,$$
$$\Gamma^s_{\lambda k}(\omega_R)=\int_0^\infty R_{\lambda\kappa}(\tau)\sin\omega_R\tau\,d\tau,\quad\Gamma^s_{\mu k}(\omega_R)=\int_0^\infty R_{\mu\kappa}(\tau)\sin\omega_R\tau\,d\tau,$$

мос равишда, Фурье ядро релаксациясининг косинус ва синуси тасвирлари,ω_R -ҳақиқий катталик. Ҳисоблашларда уч параметрли Колтунов-Ржаницын релаксация ядросидан фойдаланилди $R_k(t)=A_k e^{-\beta_k t}/t^{1-\alpha_k}$. Юнг модулини Работновнинг каср–экспоненциал ядроси орқали ифодалаш учун қуйидаги муносабатлардан фойдаланамиз:

$$\tilde{E}_\kappa=E_\kappa\left(1-\Gamma^\bullet_\kappa\right),\ \ \tilde{\nu}_\kappa=\nu_\kappa+\frac{1-2\nu_\kappa}{2}\Gamma^\bullet_\kappa,\ \ \Gamma^\bullet_\kappa f(t)=m_\kappa\int_{-\infty}^{t}\mathit{Э}^{(\kappa)}_{-1/2}(-\beta_n,t-\tau)f(\tau)d\tau.$$

Бу ерда Eк, νк –Юнг модули ва Пуассон коэффициентининг оний қийматлари, mк, βк –материалнинг қовушқоқлик параметрлари, $f(t)$-вақтнинг ихтиёрий функцияси. Интеграл оператор ядроси сифатида Работновнинг каср-экспоненциал функциясини ишлатамиз: $m_\kappa\mathit{Э}^{(\kappa)}_{-1/2}(-\beta,t)=m_\kappa t^{-1/2}\sum_{j=0}^{\infty}\frac{(-\beta_\kappa)^j t^{j/2}}{\Gamma[(j+1)/2]}$.

Қатламлар орасида қаттиқ маҳкамланганлик (ёки сирпанувчи) шарти қўйилади:

$$\sigma^{(1)}_{nn}=\sigma^{(2)}_{nn},\ \ \sigma^{(1)}_{ns_1}=\sigma^{(2)}_{ns_1},\ \sigma^{(1)}_{ns_2}=\sigma^{(2)}_{ns_2},$$
$$u^{(1)}_n=u^{(2)}_m,\ \ u^{(1)}_{s_1}=u^{(2)}_{s_1},\qquad u^{(1)}_{s_2}=u^{(2)}_s.\qquad(4)$$

Қатламнинг эркин сатҳида кучланишлардан озод бўлганлик шарти қўйилади:

$$\sigma_{nn}^{(1)} = 0, \quad \sigma_{ns_1}^{(1)} = 0, \quad \sigma_{ns_2}^{(1)} = 0.$$



1-расм. а) Кўп қатламли цилиндр; б) ўзгарувчан кўндаланг кесимли пластинка

Иккинчи ҳолда узун пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ–эластик (диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган) жисмларда тўлқин тарқалиши масаланинг қўйилишида вариацион постоновкада қўйилади. Агар механик системадаги қатламлар ўзгарувчи бўлса, у ҳолда ундаги динамик жараёнларни ифодаловчи хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар мумкин бўлган кўчиш принципи ёрдамида олинади:

$$\delta A_{F\kappa} + \delta A_{I\kappa} = 0 \tag{5}$$

$$\delta A_{F\kappa} = -\delta \Pi_{\kappa} = -\int_V \sigma_{ij}^k \, \delta\varepsilon_{ij} dV_k, \qquad \delta A_{I\kappa} = -\int_V \rho_\kappa \ddot{u}_i \delta u_i dV_\kappa$$

бунда ρ_κ- “к” чи жисм материали зичлиги, u_i–кўчиш векторининг компоненталари, $\ddot{u}_i = \partial^2 u_i / \partial t^2$, t-вақт.

Ҳаракат дифференциал тенгламаси (1) ни ечишда қуйидаги алмаштиришни бажарамиз:

$$\vec{u}_\kappa = grad\phi_\kappa + rot\vec{\psi}_\kappa, div\vec{\psi}_\kappa = 0. \tag{6}$$

Бу ерда φ_κ–бўйлама тўлқин потенциали; $\vec{\psi}_\kappa(\psi_{x\kappa}, \psi_{y\kappa}, \psi_{z\kappa})$ -кўндаланг тўлқин потенциали. Агар (6) ни (1) қўйсак, у ҳолда

$$\nabla^2 \phi_k - \frac{1}{\bar{c}_{pk}^2} \cdot \frac{\partial^2 \phi_k}{\partial t^2} = 0, \quad \nabla^2 \psi_{zk} - \frac{1}{\bar{c}_{sk}^2} \cdot \frac{\partial^2 \psi_{zk}}{\partial t^2} = 0,$$

$$\nabla^2\psi_{\theta\kappa} - \frac{\psi_{\theta\kappa}}{r^2} + \frac{2}{r^2}\frac{\partial\psi_{r\kappa}}{\partial\theta} - \frac{1}{\bar{c}_{s\kappa}^2}\frac{\partial^2\psi_{\theta\kappa}}{\partial t^2} = 0,$$

$$\nabla^2\psi_{r\kappa} - \frac{\psi_{r\kappa}}{r^2} - \frac{2}{r^2}\frac{\partial\psi_{\theta\kappa}}{\partial\theta} - \frac{1}{\bar{c}_{s\kappa}^2}\frac{\partial^2\psi_{r\kappa}}{\partial t^2} = 0. \qquad (7)$$

Бу ерда $\bar{c}_{s\kappa}^2 = c_{s\kappa}^2 \Gamma_\kappa^\bullet$; $\bar{c}_{p\kappa}^2 = c_{p\kappa}^2 \Gamma_\kappa^\bullet$, $\Gamma_\kappa^\bullet = 1 - \Gamma_\kappa^C(\omega_R) - i\Gamma_\kappa^S(\omega)$; $c_p^2 = (\lambda + 2\mu)/\rho$; $c_s^2 = \mu/\rho -$ эластик жисмда мос равишда бўйлама ва кўндаланг тўлқин тарқалишининг тезликлари.

У ҳолда (7) дифференциал тенгламаларнинг ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$\phi_k(r,\theta,z,t) = \sum_{n=0}^{\infty}\varphi_n(\alpha_k r)\begin{Bmatrix}\cos n\theta\\ -\sin n\theta\end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t};$$

$$\psi_{rk}(r,\theta,z,t) = \sum_{n=0}^{\infty}\psi_{nr}(\beta_k r)\begin{Bmatrix}\sin n\theta\\ -\cos n\theta\end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t};$$

$$\psi_{\theta k}(r,\theta,z,t) = \sum_{n=0}^{\infty}\psi_{n\theta}(\beta_k r)\begin{Bmatrix}\cos n\theta\\ -\sin n\theta\end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t}; \qquad (8)$$

$$\psi_{zk}(r,\theta,z,t) = \sum_{n=0}^{\infty}\psi_{nz}(\beta_k r)\begin{Bmatrix}\sin n\theta\\ \cos n\theta\end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t},$$

$$\alpha_k^2 = \frac{\overline{\Omega}_k^2}{\gamma_k^2} - \gamma_p^2, \quad \beta_k^2 = \overline{\Omega}_k^2 - \gamma_p^2, \quad \overline{\Omega}_k = \frac{\omega\alpha_k}{\bar{c}_{sk}}, \quad \gamma_k^2 = \frac{2(1-\nu_k)}{1-2\nu_k}.$$

Бу ерда n - бутун сон, γ_{pk} -тўлқин тарқалшининг доимий сони, ω -комплекс хусусий частота, $r = \frac{r_1}{a_0}$, $z = \frac{z_1}{a_0}$. Ҳар бир компонента учун чексизликда $(r \to \infty)$ Зоммерфельд шартлари қўйилади. (8) ни (7) га қўйиб, қуйидаги комплекс коэффициентли оддий дифференциал тенгламалар системасини оламиз. Уларнинг ечимлари Бессел ва Ханкел функциялари орқали ифодаланади. Бўйлама ва кўндаланг тўлқин потенциаллари ёрдамида Гукнинг умумлашган қонунини В. Новацкий қисқартириб ёзишидан фойдаланиб ёзамиз$(1 \to x, 2 \to y, 3 \to z)$:

$$\sigma_{11k} = 2\bar{\mu}_k(\partial_1^2\varphi_k + \partial_1\partial_2\psi_{3k} - \partial_1\partial_3\psi_{2k}) + \bar{\lambda}_\kappa\Delta\varphi_\kappa;$$

$$\sigma_{22k} = 2\bar{\mu}_k(\partial_2^2\varphi_k + \partial_2\partial_3\psi_{1k} - \partial_1\partial_2\psi_{3k}) + \bar{\lambda}_\kappa\Delta\varphi_\kappa;$$

$$\sigma_{33k} = 2\bar{\mu}_k(\partial_3^2\varphi_k + \partial_1\partial_3\psi_{2k} - \partial_2\partial_3\psi_{1k}) + \bar{\lambda}_\kappa\Delta\varphi_\kappa;$$

$$\sigma_{12k} = \bar{\mu}_k(2\partial_1\partial_2\varphi_k + \partial_1\partial_3\psi_{1k} - \partial_2\partial_3\psi_{2k} + \partial_2^2\,\psi_{3k} - \partial_1^2\psi_{3k}); \qquad (9)$$

$$\sigma_{13k} = \bar{\mu}_k(2\partial_1\partial_3\varphi_k + \partial_2\partial_3\psi_{3k} - \partial_1\partial_2\psi_{1k} + \partial_1^2\,\psi_{2k} - \partial_3^2\psi_{2k});$$

$$\sigma_{23k} = \bar{\mu}_k(2\partial_2\partial_3\varphi_k + \partial_1\partial_2\psi_{2k} - \partial_1\partial_3\psi_{3k} + \partial_3^2\,\psi_{1k} - \partial_2^2\psi_{1k}),$$

бу ерда $\Delta = \partial_1^2 + \partial_2^2 + \partial_3^2, \partial_1 = \frac{\partial}{\partial x}, \partial_2 = \frac{\partial}{\partial y}, \partial_3 = \frac{\partial}{\partial z}$.

Агар ўзгарувчи қалинликдаги кўп қатламли пластинкасимон ёки қобиқсимон диссипатив механик системалар берилган бўлса, уларда хос тўлқинлар тарқалишини ўрганиш учун олинган вариацион тенгламалар ечимини (5) қидириб, биринчи тартибли комлекс ва ўзгарувчан коэффициентли оддий дифференциал тенгламалар системасини оламиз. Худди шундай радиал ёриққа эга бўлган цилиндрик жисм учун ҳам оддий ўзгарувчан коэффициентли дифференциал тенгламалар олиниб, ортогонал прогонка ёрдамида дисперцион муносабат олинади:

$$\begin{cases} \dfrac{\partial u_r}{\partial r} = \dfrac{1}{K}\sigma_{rr} - \dfrac{\tilde{\lambda}}{K}\left(\dfrac{1}{r}\dfrac{\partial u_\varphi}{\partial \varphi} + \dfrac{u_r}{r} + \dfrac{\partial u_z}{\partial z}\right), \\ \dfrac{\partial u_\varphi}{\partial r} = \dfrac{1}{\tilde{\mu}}\sigma_{r\varphi} - \dfrac{1}{r}\left(\dfrac{\partial u_r}{\partial \varphi} - u_\varphi\right), \\ \dfrac{\partial u_z}{\partial r} = \dfrac{1}{\tilde{\mu}}\sigma_{rz} - \dfrac{\partial u_r}{\partial z}, \\ \dfrac{\partial \sigma_{rr}}{\partial r} = \rho\dfrac{\partial^2 u_r}{\partial t^2} - \dfrac{\tilde{A}}{r} - \dfrac{1}{r}\dfrac{\partial \sigma_{r\varphi}}{\partial \varphi} - \dfrac{\partial \sigma_{rz}}{\partial z}, \\ \dfrac{\partial \sigma_{r\varphi}}{\partial r} = \rho\dfrac{\partial^2 u_\varphi}{\partial t^2} - \dfrac{1}{r}\dfrac{\partial}{\partial \varphi}\left[\sigma_{rr} - \tilde{A}\right] - \dfrac{2\sigma_{r\varphi}}{r} - \dfrac{\partial}{\partial z}\tilde{B}, \\ \dfrac{\partial \sigma_{rz}}{\partial r} = \rho\dfrac{\partial^2 u_z}{\partial t^2} - \dfrac{\partial}{\partial z}\left[\sigma_{rr} - 2\tilde{\mu}\left(\dfrac{\partial u_r}{\partial r} - \dfrac{\partial u_z}{\partial z}\right)\right] - \dfrac{\sigma_{rz}}{r} - \dfrac{1}{r}\dfrac{\partial}{\partial \varphi}\tilde{B}. \end{cases} \tag{10}$$

Бу ерда қуйидаги белгилашлар киритилган:

$$\tilde{A} = 2\tilde{\mu}\left[\frac{\partial u_r}{\partial r} - \frac{1}{r}\left(\frac{\partial u_\varphi}{\partial \varphi} + u_r\right)\right],\ \tilde{B} = \tilde{\mu}\left(\frac{\partial u_\varphi}{\partial z} + \frac{1}{r}\frac{\partial u_z}{\partial \varphi}\right),$$

$$\tilde{\lambda}\, f(t) = \lambda_0\left[f(t) - \int_0^t R_\lambda(t-\tau) f(\tau)d\tau\right],\ \tilde{\mu}\, f(t) = \mu_0\left[f(t) - \int_0^t R_\mu(t-\tau) f(\tau)d\tau\right].$$

Чегаравий шартларни ифодаласак, $r = R$ да кучланишлар қўйилмаган,

$$\sigma_{rz} = \sigma_{rr} = \sigma_{r\phi} = 0, \tag{11}$$

$r = r_0 \to 0$ да кучланишлар чегараланган, яъни $\sigma_{rz} = \sigma_{rr} = \sigma_{r\phi} = 0$. Z ўқи бўйича югурувчи гармоник тўлқинлар қаралганда (11) чегаравий масаланинг ечими ўзгарувчиларнинг ажралишига олиб келади:

$$\begin{aligned} u_r &= w(r)\cos\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)},\ \ \sigma_{rr} = \sigma(r)\cos\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)}, \\ u_\varphi &= v(r)\sin\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)},\ \ \sigma_{r\varphi} = \tau_\varphi(r)\ \sin\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)}, \\ u_z &= u(r)\cos\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)},\ \ \sigma_{rz} = \tau_z(r)\cos\frac{\varphi}{2}e^{i(\gamma z - \omega t)}. \end{aligned} \tag{12}$$

(12) масала комплекс коэффициентли оддий дифференциал тенгламалар системаси учун спектрал масалани ҳисобга олганда қуйидагига келтирилади:

$$
\begin{cases}
w' = \dfrac{\sigma}{k} - \dfrac{\bar{\lambda}}{k}\left(\gamma u + \dfrac{v}{2r} + \dfrac{w}{r}\right), \quad \sigma' = -\omega^2 \rho w + \dfrac{\tilde{a}}{r} - \dfrac{\tau_\varphi}{2r} - \gamma \tau_z, \\
v' = \dfrac{\tau_\varphi}{\bar{\mu}} + \dfrac{\vartheta}{r} + \dfrac{w}{2r}, \quad \tau'_\varphi = -\omega^2 \rho \vartheta - \dfrac{2\tau_\varphi}{r} + (\sigma + \tilde{a})\dfrac{1}{2r} - \gamma \tilde{b}, \\
u' = \dfrac{\tau_z}{\bar{\mu}} + \gamma w, \quad \tau_z{}' = -\omega^2 \rho u - \dfrac{\tau_z}{r} - \dfrac{\tilde{b}}{2r} + k(\sigma + 2\bar{\mu}(ku - w')).
\end{cases}
\tag{13}
$$

Бу ерда $\tilde{a} = 2\bar{\mu}\left(\dfrac{\vartheta + w}{2r} - w'\right)$; $\tilde{b} = \bar{\mu}\left(-\dfrac{u}{2r} - k\vartheta\right)$,

$\bar{\mu} = \mu_0\left[1 - \Gamma_\mu^C(\omega_R) - i\Gamma_\mu^S(\omega_R)\right]$, $\bar{\lambda} = \lambda_0\left[1 - \Gamma_\lambda^C(\omega_R) - i\Gamma_\lambda^S(\omega_R)\right]$, $(...)' = \dfrac{d}{dr}$ ва қуйидаги чегаравий шартлар билан:

$$r = r_0 \to 0,\ r = R, \quad \sigma = \tau_\varphi = \tau_z = 0 \tag{14}$$

Шундай қилиб, радиал ёриққа эга бўлган чексиз узун цилиндрда гармоник тўлқин тарқалишини ифодаловчи спектрал чегаравий масала (13), (14) шакллантирилди. Масала ортогонал прогонка ва Мюллер усулларини биргаликда қўллаш орқали комплекс арифметикада ечилади.

Кўп қатламли диссипатив механик конструкцияларнинг мажбурий тебранишларини ифодаловчи тенгламалар вариацион усулда олинди. Бундай ҳолатда оператор кўринишдаги ҳаракат дифференциал тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$L_A\vec{u}\mathscr{s} - \int_{-\infty}^{t} L_A(\tau)R_{LE}(t-\tau)d\tau + L_B\frac{\partial^2\vec{u}}{\partial t^2} = \vec{q}. \tag{15}$$

